O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 22-sentabr, chorshanba ● № 39 (689) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

### ҚАЛАМ СЕҲРИ



***Қаламнинг мўъжизавий кучи шундай қудратлики, у қоғозда оҳиста тебранганида ёвузлик ортга чекинади, ёлғизлик нола чекади, гуноҳкор тавбага йўналади***

➪ 4-бет

### САОДАТГА ЭЛТУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ



***Ёшларимиз маънавиятини юксалтиришда бой тарихимиз, анъана ва қадриятларимиз, тарихий ёдгорликларимизнинг аҳамиятини кенг тушунтириш, тарғиб этиш жуда муҳим. Бу йўналишда маҳаллаларимизда «Маънавият соати» машғулоти, давра суҳбатлари, турли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.***

➪ 7-бет

### ШАРАФЛИ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ



***Президентимиз Ислом Каримов яқинда Бухоро санъат саройида бўлганларида, кино, театрда қаҳрамонни қандай танлаш, қай тарзда ифода этиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди. Ана шу дастур келгусида ижодий ишларимизга кўмак бўлса, кино соҳасининг равнақи йўлида ижобий натижаларга эришган бўлардик.***

➪ 8-бет

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди.**

Муҳтарам раис жаноблари!

Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафеълигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабиҳ ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз ҳудудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига муҳтож.

Бироқ 11-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тарожлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бир ёқлама ёндашувларни истисно қилувчи холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва набодот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

*(Давоми 2-бетда.)*

**САРҲИСОБ**

***Бугун мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган эътибор натижасида соҳада янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилаётгани бот-бот такрорланмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

## БАРКАМОЛЛИК САРИ





Айни кунда вилоятда 576324 нафар ўқувчига 51256 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, мактабларда бошқарув жараёнини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар қилинди. Халқ таълими вазирлигининг "Ҳудудий таълим бошқарув муассасалари фаолиятини баҳолаш тизимини шакллантириш тўғрисида"ги кўрсатмаси асосида бошқарма тасарруфидаги шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари фаолияти ўтган ўқув йили якунлари бўйича таҳлил қилинди. Натижада Тайлоқ, Оқдарё туманлари ва Самарқанд шаҳрида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди.

2 »

ОБУНА — 2011

**Қадрли юртдошлар!**

**"Hurriyat" газетасининг азиз муштарийлари!**

**"HURRIYAT" — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчиси, мамлакатимиз ҳурриятининг сарҳил мевасидир!**

Хабарингиз бор, 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, келгуси йил ҳам "HURRIYAT"ни мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга ишонамиз!



**УНУТМАНГ, "HURRIYAT" СИЗНИНГ ДОИМИЙ МИНБАРИНГИЗ!**

***Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233***

**НЕВРОПОТОЛОГ ҚАБУЛИДА**

## ИРОДА ТАРБИЯСИ



Ҳаёт турли баланд-паст сўқмоқларга бойлиги, у инсонга шодликлар билан бирга ташвишларни-да ҳадя этишини ҳисобга олсак, ҳар бир кишининг асаб касалига учраш эҳтимоли мавжудлигига амин бўламиз. Инсоннинг асаб тизими унинг бутун фаолиятини бошқариб туриши маълум. Уни асраб-авайлаш нақадар зарурлигига эса ҳамиша ҳам аҳамият беравермаймиз. Бугунги замонавий тиббиётнинг маҳсули ўлароқ инсон вужудининг айрим аъзолари касалланса, уларни даволаб, қайта тиклаш ва ҳатто жарроҳлик йўли билан ундан бутунлай воз кечиш ёки ўрнини босувчиси билан алмаштириш мумкин. Аммо хасталанган мия фаолиятини тўла-тўкис тиклашнинг имкони йўқлиги улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг асарларида ҳам, тиббиётга доир бугунги манбаларда ҳам таъкидланган. Шундай экан, асаб касалликларига учрамаслик, умуман мия фаолиятини бир меъёрда сақлаш умр бўйи соғлом яшамоқни истайдиганларнинг ҳаётдаги шиори бўлмоғи лозим.

Суҳбатдошимиз Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Неврология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр ҒАФУРОВнинг бу борадаги фикрлари, тавсия ва маслаҳатлари ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

3 »

# ИРОДА ТАРБИЯСИ



(Бошланиши 1-бетда.)

***— Сабабсиз натижа бўлмайди, дейди донишмандлар. Албатта, бирор хасталикнинг келиб чиқишига ҳам турли омиллар таъсир кўрсатади. Шу маънода асаб касалликларининг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлади, деб ҳисоблайсиз?***

— Маълумки, кўплаб касалликлар 2 турли: ирсиятга боғлиқ ҳолда ва турмуш давомида орттирилган бўлиши мумкин. Асаб касалликлари ҳам худди шу асосларда пайдо бўлади. Шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд ирсий касалликларнинг қарийб етмиш фоизи асаб хасталиклари ҳисобланади. Бунда асосий омил сифатида қариндошлар орасидаги никоҳни келтириш мумкин.

Инсон ҳаёти давомида турли вазиятларга тушиши, ҳар хил воқеа-ҳодисаларни бошидан ўтказиши мумкин. Хурсандчилик дамларида ҳам, ғам-ташвишга дучор бўлганида ҳам ўзининг руҳиятини бошқара олган одам иродали саналади. Умуман олганда, асаб хасталикларига учраш ёки учрамаслик бир неча омилга боғлиқ.

Биринчидан, шахснинг ички дунёси унинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Айтмоқчи бўлганимиз, Аллоҳ томонидан инъом этилган ўзига хос феъл-атвор кишиларни турли касалликларга гирифтор этади ёки мутлақо дарддан йироқда сақлайди. Табиатан вазмин, кенг феълли одамлар ҳар нарсага асабларини бузишмайди, натижада улардаги асаб тизими бир меъёрда фаолият кўрсатаверади. Аксинча, феъли тор, енгил табиатли одамлар ҳаётнинг майда ташвишларига дуч келганда ҳам жиғибийрон бўлаверишади. Шунинг учун бундай кишиларда хасталикларга мойиллик кучли бўлади.

Иккинчидан, кучли руҳий зўриқиш, тасодифий воқеа-ҳодисалар натижасида тушкунликка тушиб қолиш ҳам асаб касалликларига олиб келади. Қолаверса, энг асосий омиллардан бири сифатида инсон тарбиясини айтиб ўтган бўлардим. Зотан, киши кенг дунёқараш ва тугал маданият эгаси бўлса, у ўзини ҳар қандай вазиятда идора қила олади. Демакки, инсоннинг маданияти, тарбияси ҳам унинг тажангликка учрамаслигига катта таъсир кўрсатади.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳаётда шундай инсонлар борки, бўлар-бўлмасга ўз феъл-атворини намоён этаверади. Майда-чуйда гап-сўзлардан ҳам жанжал чиқараверишь, жамоат жойларида ҳадеб асабийлашиш ва бу билан бошқаларнинг ҳам кайфиятига салбий таъсир ўтказишни асаб касалликлари билан эмас, тарбиясизлик деб баҳолаш керак, назаримда. Чунки ўзининг "Мен"ига эгалик қила оладиган одам асабини ҳам асрай олади, ўзини бошқара олмайдиган одам нафақат ўз соғлигидан, балки атрофдагиларининг ҳурматидан ҳам мосуво бўлишлари бор гап.

**— Чиндан ҳам, ота-боболаримиз фарзанд тарбиясига «ё ҳаёт, ё мамот» масаласи даражасида қарашганида ҳам улкан маъно бор. Сиз мутахассис сифатида эртамиз эгалари бўлмиш ёш авлодни асаб касалликларидан асраш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук инсонлар қилиб тарбиялаш учун қандай тавсиялар берасиз?**

— Энг аввало, фарзандини ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишни орзу қиладиган ота-она боласи билан муносабатда меъёрни унутмаслиги керак. Яъни фарзандларимизни меҳнаткаш қилиб тарбиялаши, уларни ўзи фойдаланаётган неъматларнинг қадрига етишга ўргатиши муҳим аҳамият касб этади. Нега оилада ёлғиз фарзандлар асаби нозик бўлиб улғаяди? Чунки улар болалигиданоқ ҳаддан ортиқ эътибор ва меҳрибончиликка ўрганишган. Бундай одамлар ҳаётнинг арзимаган зарбасига учрашганида ҳам толиқиб қолишлари мумкин. Ёки аксинча, кўп фарзандли оилаларда ҳам баъзи болалар тажангликка учрашлари кузатилади. Чунки уларга эътибор етишмайди. Шу боис фарзанд тарбиясида меъёрни сақлаш, болаларимизни рағбатлантириш баробарида уларни мустақил ҳаётга ўргатиб бориш лозим. Ёшлигидан ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга реал баҳо беришни ўрганиб борган инсон турмушнинг энг оғир дамларида ҳам эсанкираб қолмайди.

Яна бир гап. Оиладаги носоғлом муҳит болаларда асаб касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ота ва она орасидаги даҳанаки жанглар ёки улардан бировининг хўрланиши бола асабига қаттиқ таъсир кўрсатади. Агар бу ҳолат муттасил давом этадиган бўлса, у оиладаги болаларнинг соғлом йигит ёки қиз бўлиб вояга етиши амри маҳол. Шунинг учун фарзанд тарбиялаётган ота-она, энг аввало, ўзаро муаммоларини ҳал этиб олишлари, уларнинг келишмовчиликлари мурғак гўдакларнинг ҳаётига таъсир ўтказишига йўл қўймасликлари лозим.

**— Маълумки, энг қадимий хасталиклардан бири ҳисобланмиш тутқаноқ ҳақида кўҳна манбаларда ҳам маълумотлар бор. Аммо у узоқ вақтлардан бери давосиз дард сифатида баҳолаб келинган. Айтинг-чи, ҳозирги замонавий тиббиёт бу касалликка чалинган беморларни даволаш ва ундан бутунлай фориғ қилиш имкониятига эгами?**

— Ҳақиқатан ҳам тутқаноқ жуда қадимий касаллик. У кўпроқ ирсий, генетик омиллар таъсирида пайдо бўлади. Ҳозирги кунда бутун дунё аҳолисининг 0,8 фоизида шу хасталик учрайди. Тўғри, узоқ йиллар давомида у давосиз касалликлар сирасига киритилган. Айрим тарихий манбаларда ўз даврининг буюк кишилари — Юлий Цезарь, Достоевский, Нобель, Ньютон каби машҳур инсонлар ҳам тутқаноқдан азият чекишгани қайд этилган. Бизнинг халқимиз орасида ҳам кўп йиллар давомида бу хасталикка учраган беморларнинг касаллиги жамоатчиликдан сир сақланган. Яна бир гап: бу беморлар узоқ вақт психиатрларга мурожаат қилиб келишган. Аммо бугунги кунга келиб одамлар бевосита невропотолог шифокорларга мурожаат қилишмоқда. Чунки бугунги кун тиббиётида бу беморларни дарддан халос қилиш йўллари топилган. Демакки, ҳозирги пайтда шифокор билан ҳамкорликда тутқаноқ касаллигидан фориғ бўлиш мумкин, деб бемалол айта оламиз.

**— Бахтиёр ака, сиз узоқ йиллардан буён невропотолог сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Бугун ўз соҳангизга кенгроқ назар ташлаганингизда, нималардан руҳланасиз-у, яна нималар сизни ўйлантиради?**

— Мени юртимизда тиббиётнинг имкониятлари ва сифати ортиб бораётгани жуда қувонтиради. Таъбир жоиз бўлса, республикамизда Юртбошимизнинг шахсан ташаббуси билан тез тиббий ёрдам тизими ривожланаётгани ҳар қанча эътирофга лойиқ. Чунки айрим касалликлар борки, уларга чалинган беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун дақиқалар ва ҳатто сониялар ҳам катта аҳамият касб этади. Мисол учун, инсульт касалликлари, марказий асаб тизимининг ўткир яллиғланиши, тутқаноқнинг оғир турларида шошилинч ёрдам кўрсатиш жуда муҳим. Бугун тез тиббий ёрдам тизимининг кўмагида ана шундай касалликларни даволашда анча-мунча ютуқларга эришмоқдамиз. Тўғри, бу соҳада бироз муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар ҳам Баркамол авлод йилида ўз ечимини топишига ишонамиз. Қолаверса, неврологик касалликларни аниқ ташхислашда комьютер томографиясининг имкониятларидан фойдаланилаётгани ҳам даволаш самарасини янада оширмоқда.

Мени анчадан бери бир фикр ўйлантириб келади. Биламизки, тиббиётнинг асаб касалликлари соҳаси — кенг тармоқ. Бир мутахассиснинг ўзи барча йўналишлардан хабардор бўлиши, турли касалликлар билан оғриган беморларга ёрдам бериши лозим. Агар соҳада тор мутахассисликлар ташкил этилса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки улар ўз доирасидаги беморларга профессионал эътибор қаратиб, даволашнинг янгидан-янги усулларини ўзлаштирсалар, замонавий тиббиётдаги янгиликларни ўз ишига жорий қилсалар, ўйлайманки, аҳолига кўрсатаётган тиббий хизматимизнинг сифати янада ортар эди.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**
**суҳбатлашди**

## МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

***Ёш болага васийлик ва ҳомийлик қилиш тўғрисида билмоқчи эдим. Бунинг қандай шартлари ва мажбуриятлари бор?***

**Дилмурод МИРАФЗАЛОВ,**
**Чуст тумани**

Суд қарори билан оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ёхуд уни чеклаш асослари тўғрисида Оила кодексида батафсил тўхталиб ўтилган. Ота ёки она фарзанди олдидаги мажбуриятини бажаришдан бош тортса, хусусан, алимент тўлашдан бўйин товласа, боласини узрсиз сабабларга кўра туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия муассасаси, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шунга ўхшаш жойлардан олишдан бош тортса, болаларга шафқатсиз муомалада бўлса, оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади ёхуд ҳуқуқлари чекланади.

Маълумки, оғир дардга чалинган ота-она фарзандининг тарбияси билан шуғулланишга имкон топа олмайди. Бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ота-онаси тавсия этган шахсни васий ёки ҳомий этиб тайинлайди.

Васийлик 14 ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Ҳомийлик эса 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек, суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 176-моддаси).

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ва Ўзбекистон Республикаси "Оила кодекси"да қайд этилганидек, бола ўз ота-онаси билан бирга яшаш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Аммо ҳаётда боланинг ота-онаси ғамхўрлигидан маълум муддатта маҳрум бўлиб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Васийлик ва ҳомийлик эса қисқа муддатта эмас, балки бола маълум ёшга етгунига қадар тайинланади. Ушбу ҳолат умумий қоидадан мустасно бўлиб, болага қисқа муддатта — унинг ота-онаси қайтгунига қадар васий ва ҳомий тайинланишини назарда тутади. Лекин ота-она болаларини қариндошлари ёки бошқа яқин кишилари ихтиёрида қолдирса, болаларга васийлик ёки ҳомийлик тайинлаш шарт эмас.

**Аҳмадхон ЮСУПОВ**

***Умумий мулкдаги ўз улушимни сотмоқчиман. Қонунчилигимизга кўра, бу вазиятда менинг қандай ҳуқуқларим ва мажбуриятларим бор?***

**Азамат ҚУРБОНОВ,**
**Тошкент шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддасида умумий мулкдаги ўз улушини сотувчи ўзга шахсга сотиши ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархи ва уни сотишнинг бошқа сабабларини кўрсатиши зарур. Ушбу қоидалар айирбошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 505-моддаси талабларига кўра, умумий мулкни ҳадя қилишга, кодекснинг 225-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосан барча мулкдорлар розилиги билан йўл қўйилади. Фуқаролик кодексининг 218-моддасида қайд этилганидек, улушли мулк эгаси улушини сотиш, совға қилиш, васият қилиб қолдириш, гаровга бериш ёки бошқача тарзда тасарруф этиш чоғида Фуқаролик кодексининг224-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилгандагина ҳақли бўлади. Ўз улушини ҳадя қилмоқчи бўлган мулк эгаси барча керакли маълумотларни кўрсаттан ҳолда ёзилган аризасини умумий мулкнинг барча иштирокчиларига алоҳида-алоҳида топширилишини нотариусдан сўрашга ҳақли.

Оила кодексининг 24-моддасига асосан мулк эгасига никоҳ даврида олинган мулкнинг тасарруф этилишида турмуш ўртоғининг розилиги қайд этилган ва нотариал тартибда тасдиқланган аризаси талаб қилинади. Мулк эгаси турмуш ўртоғи билан бирга яшамаётган бўлса, бу битимни тузиш учун унинг нотариал идорага келиб, розилик аризасини беришини сўраш ҳуқуқига эга.

**Ботир БОЙМУРОВ**

ТАБИАТ ВА БИЗ

# Олам бағри бутунлиги



Ҳаётда ҳеч ким рад эта олмайдиган бир ҳақиқат бор, унга барча бирдек жон куйдиришга бурчли. Бу табиат муҳофазаси масаласидир.

1993 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Ушбу ҳужжат баҳри муҳит мувозанатини сақлашда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Унда инсон ва табиат орасидаги муҳит мувозанатига путур етказмаслик қонун-қоидалари кафолатланган.

Орадан кўп ўтмай, 1993 йил октябрь ойи бошларида республика Вазирлар Маҳкамасининг "Экология ва саломатлик" икки йиллигини ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда Ер шарининг деярли барча минтақалари қаторида Марказий Осиё ҳам экологик ҳалокатлардан ҳоли эмаслиги қайд этилган. Бу ҳол биргина Орол денгизи фожиасида яққол кўзга ташланади. Аслида Орол фожиасини бутун олам фожиаси, дейиш мумкин.

Биз тенгилар эсимизни таниганимиздан буён бир ташвишли ҳолатнинг гувоҳимиз. Болалигимизда, бундан 60-65 йиллар аввал узоқроққа ёлғиз боришга ҳайиқардик. Қалин чакалакзорлар бора-бора салобатли ўрмонга айланар, ҳар қадамда турли-туман ёввойи жонзотларга дуч келардик. Анҳор-ариқлардагина эмас, кичик жилғаларда ҳам ғиж-ғиж балиқлар сузиб юрарди. Бу тайёр ўлжаларни кўпинча овламасдик ҳам. Ҳар куни балиқ еявериш барчанинг жонига тегиб кетгани туфайли яна ўлжа олиб келсак, роса гап эшитардик. "Ўзинг тозала, увол бўлаяпти-ку, бечоралар!" дея ота-оналаримиз уришишарди.

Бу гаплар ҳозир чўпчакка ўхшайди. Чунки жилға-ю, анҳорлар нарида турсин, ҳатто дарё ва кўлларда ҳам балиқ камайиб кетган. Тоғларда-ку, онда-сонда тоғчумчуқлар йўлиқмаса, бошқа тирик жонларни кўриш амримаҳол бўлиб қолган. Тоғли ҳудудларни ўзларича тақсимлаб олган хусусий чорва эгалари табиатни тиклаш билан иши йўқ. Шу ўринда "Бунақа муаммоларнинг олдини олиш, табиатдаги ўпиришларни тўхтатиш, қайта тиклаш учун қандай чора қўллаш керак?" деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, тоғли ҳудудларни, ҳатто ариқ ва сойларни ҳам жонкуяр, дадил ва узоқни кўра билувчи одамларга маълум муддатларга муҳофаза учун топшириш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Ушбу вазифани туманлар ҳокимликлари, фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар, назоратчи ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширишлари мумкин. Дастлаб жараён қийин кечиши табиий, талаб кучайтирилса, изчил тушунтириш ишлари олиб борилса, ҳаммаси изга тушиб кетиши муқаррар. Бунда кўплаб одамлар ишли бўлади, она табиат бора-бора қайта тикланади. Энг муҳими, қадимги гўзалликлар жонланиши баробарида моддий манфаатдорлик ортиб, бебаҳо табиий маҳсулотлар кўпаяди...

Афсуски, айрим ўзбошимча одамлар "бемалолчилик"дан фойдаланиб, кўнгилларига келган ҳар хил номаъқулчиликларга қўл урмоқдалар. Узун ташланган арқон бир кун албатта йиғиштириб олинади. Афсуски, унга қадар она табиат озор чекаверади, йўл қўйилган йўқотишларнинг ўрнини қоплаш эса анча қийин кечади.

Мен Айдаркўлда бир неча бор бўлганман. Ҳозир уни қадимги ҳолати билан қиёслашнинг иложи йўқ. Тоғларни "тақсимлаганларидек", Айдаркўлни ҳам "тўрчи"лар ўзаро бўлишиб олган.

Яқинда Угом-Чотқол миллий боғ фаолиятига боғлиқ бир хушхабар тарқалди: Бўстонлиқ туманидаги олис Псков қишлоғига олиб борувчи замонавий кўприк қуриб битказилибди. Демакки, бу ҳудудда атроф-муҳит мувозанатини тиклаш ва сақлаш учун яна бир қадам қўйилибди. Демак, ҳафсала билан ёндашилса, ҳар қандай ишни дўндириш мумкин экан. Табиатни муҳофаза этишда эса бир дақиқа ҳам ҳафсаласизлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги оддий ҳақиқат.

**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи**

**Яқинда Тошкент шаҳар Марказий Hotel павильонида биринчи инновацион кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда йўл қурилишида фойдаланиладиган оғир машина-механизмлар намойиш этилди.**

## Йўл қуриш машиналари кўргазмаси

Кўргазмага ташриф буюрган томошабинларга видео ва жонли кўргазма тарзида тушунтиришлар берилди. Бу кўргазмада асфальт ёядиган оғирлиги 18,5 тонналик F141C ва эски асфальт қатламини қайта ишлайдиган сўнгра текислайдиган, оғирлиги 11650 кг.ли CC424HF оғир машиналар ва уларнинг ишлаш хусусиятлари ҳақида сўз юритилди.

Бу машиналар Швециянинг "DYNAPAC" корхонаси, Туркиянинг "Turkuaz Machaniry Hitachi" корхонасида ишлаб чиқарилган бўлиб, автомагистраль йўлларни қуриш ва қайта таъмирлаш учун мўлжалланган. Мазкур корхона 70 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Видео кўргазмада унинг раҳбари Бобур Иброҳимов ва Швециянинг "DYNAPAC" компанияси бошқарувчиси Алп Борисконерлар сўзга чиқишди.

Бу кўргазмани ўтказишдан мақсад замонавий, қулай оғир машиналар келажакда юртимизда асфальт йўллар қуришда, автомагистралларни барпо этишда хизмат қилдиришдан иборат.




— Бизларда 93 хилда олий сифатли оғир машиналар ишлаб чиқарилади, — дейди Алп Борисконер. — Бразилия, АҚШ, Швеция ва Бельгия каби давлатларнинг йўлсозлари биз билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйишган. Бу машиналар аввало тежамкор бўлиб, бошқаларига қараганда ёқилғини 24 фоиз кам сарфлайди, ғилдираклари сифатли ва ҳозиргиларидан 50 фоиз паст овозда ишлайди. Яна бир қулайлиги шундаки, агарда бошқарадиган оператор чарчаб ёки мазаси бўлмай қолганда ҳам машина автоматик равишда ҳатто 0°Сда ишлаш хусусиятига эга.

**Фаррух ЮСУПОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА

*Бу дунёда касбнинг ёмони йўқ. Лекин журналистликнинг заҳмати бошқача. Чунки унинг юрагидаги туғён қаламидан учқун бўлиб сачрайди. Ўзи ёниб, ўзгалар дардига малҳам бўлади. Шу маънода ижод аҳлини жамият ҳаётини мўътадиллаштирувчи, одамлар қалбига яхшилик уруғини сепувчи, ҳаётни севиб, меҳр-оқибат ришталарини боғловчи муаллимга қиёслаш мумкин.*

*Биз эса бу ҳақиқатни Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги "Давр садоси" газетаси муҳаррири* **Замирахон КИМСАНОВА** *сийратидан изладик.*



# ДЎСТЛИКНИ ҚАДРЛАГАННИ СУЯР ОДАМЛАР

Табиатан кўнгилчан, хушмуомала бу аёлнинг бутун борлиғига меҳр-муҳаббат сингиб кетгандай. Бугун "Давр садоси" газетасида ўзбекона бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, шукроналик бош мавзуга айланган экан, бунинг бош илҳомчиси муҳаррирнинг ўзидир.

— Пахтаобод тумани айни пайтда республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги энг пешқадам ҳудудлардан ҳисобланади. Бу муваффақиятларда бевосита туман ҳаётининг ойнаси бўлган "Давр садоси" ижодий жамоасининг хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир. Газета муҳаррирининг "Дўстлик" ордени билан мукофотланиши Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг шу йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида журналистлар меҳнатини рағбатлантириш ҳақидаги қимматли фикрларининг амалдаги ифодасидир. Бу тақдирлашни нафақат Замирахонга, айни чоғда Андижон вилояти оммавий ахборот воситалари ходимларига кўрсатилган эъзоз деб биламиз, — дейди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг раиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Назиржон Саидов.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, деганларидек барчага эзгуликни соғиниб яшайдиган З.Кимсанова бош бўлган ижодий жамоа республика ва вилоят миқёсидаги танловларда ҳамиша муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Шуни айтиш кофияки, кейинги уч йилдан буён "Давр садоси" газетаси ходимлари "Энг улуғ, энг азиз" республика танловининг вилоят босқичида ғолиблар сафидан ўрин олмоқдалар.

Муҳаррир эса жамоа эришган ютуқларни Абдулла Комил, Алижон Асқаров, Турдиали Тўйчиев, Тўхтасин Қурбонов каби устозлари тарбиясига, Матлуба Юсуфохун қизи, Феруза Сиддиқова сингари шогирдлари кўмагига менгзайди, улар билан чексиз фахрланади.

1984 йилда ҳозирда улуғ бобокалонимиз Мирзо Улуғбек номи билан аталаётган Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлагач, қадрдон газетасига ишга келган Замирахон қарийб 35 йилдирки, журналистикани нон каби азиз билиб, ардоқлаб жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, миллий қадриятлар, баркамол авлод келажаги мавзуидаги мақолалари билан ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

Бу ҳаракатлар натижаси ўлароқ, қаҳрамонимиз халқимизга юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини амалда яна бир бор намоён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қиляпти. Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, ҳамкасбимизга улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

БАДИА

# Қалам сеҳри



Митти қаламда ижодкор қалбининг туб-тубларида яширинган, олов янглиғ ёнаётган, уни беаёв кемираётган дард-у, аламларини, изтиробларини ҳис қила олишдек бир сезги мужассам.

Қаламга кун ва туннинг аҳамияти йўқ. У вақт билан ҳисоблашмайди. Меҳнатдан толиқиш унга бегона. Изми қаламкаш инон-ихтиёрида. Хоҳ тун, хоҳ субҳидам бўлсин тебранишдан чарчамайди у.

Аслида ёзувчи қалам билан ҳамнафас бўлиб, битикларидан кўнгли тўлмаганида қоғозларни ғижимлаб, улоқтириб, қайта ва қайта ёзавериш асносида шаклланади. Шунда қалам ҳам "ўткирлашади". Ойлар, йиллар мобайнида не-не машаққатлар эвазига битилган ижод маҳсули дунёга келади. Бора-бора қалам билан ёзилган бу қоралама умрбоқий асарга айланиб, неча-неча асрлар, оша инсониятнинг нодир мулкига, олтин меросига айланиши ҳам мумкин. Негаки, бу битиклар ёзувчининг дард-у изтироблари билан йўғрилибгина қолмай, асарга унинг юрак қони ҳам қўшилгандир. Бундай асарлар инсоният тафаккурининг шаклланишида ўсишида унинг оламга ўзгача нигоҳ билан боқишида маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади. Қалам ёрдами ила ёзилган бу асарлар турли тилларга таржима қилиниб, турли тоифадаги инсонлар қалбидан ўрин эгаллай олади. Асарнинг содда тилда ёзилиши, унда бадиий сўз санъати унсурларининг моҳирона қўлланиши ва воқеликнинг ҳаётий акс эттирилиши муаллифнинг билим даражаси, тажрибаси ҳамда дунёқарашига боғлиқ.

Қаламнинг мўъжизавий кучи шундай қудратлики, у қоғозда оҳиста тебранганида ёвузлик ортга чекинади, ёлғизлик нола чекади, гуноҳкор тавбага йўналади. Асар унинг ўқувчилари томонидан юксакларга кўтарилиб баҳоланса, муаллиф ўз навбатида шон-шуҳрат чўққисини забт этади. Халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари замирида олам-олам маъно бор:

*Темур тиғи етмаган жойни*
*Қалам билан олди Алишер...*

Ҳақиқатан ҳам қаламнинг ёзганини қилич ўчира олмайди. Бунга тарих гувоҳ. Неча-неча асрлардан буён буюк аждодларимизнинг ўлмас дурдоналари ҳали-ҳануз сақланиб, ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

Буюк мутафаккир бобомиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг ижоди бунинг ёрқин мисолидир. Лутфийни лол этгани боис ижодининг 12 минг байт мисрасига алмаштиришга рози бўлган

*"Оразин ёпқоч, кўзимдин тўкилур ҳар лаҳза ёш,*
*Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш",*

деган мисрасидан тортиб, кўплаб асарлари дунё юзини кўрди. Ҳазрат Навоий беш асардан ташкил топган "Хамса" достонини ёзиб, Ганжавий, Деҳлавий каби буюк хамсанависларнинг ёнидан муносиб ўрин эгаллади. Бу йўлда қанчалик машаққат ва заҳмат чекканини шоир асарлари сўнггида шундай баён этган:

*"Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ,*
*Низомий панжасига панжа урмоқ".*

Қалам сеҳри ила битилган, абадиятга дахлдор асарлар минг йиллар ўтса-да, ўз қимматини йўқотмайди.

**Зебинисо ҲАЙИТОВА,**
**талаба**

ФИКР

# ФИКРЛАШДАН НЕГА ЭРИНАМИЗ?

Инсоният тарихи аён этмоқдаки, энг одил жамиятгина, аввало, ёш авлоднинг онгу тафаккурини бойитиш, ворисларини баркамол этиб тарбиялашга эътибор қаратади. Бугун тараққиёт чўққисида «чексиз эркинлик»нинг асирига айланган айрим мамлакатлар ўзларининг мавҳум келажаги қаршисида лол. Шу боис, янги аср «йўқотилаётган авлод» дарди билан яшаяпти. Шу маънода давлатимиз раҳбари таъкидлаётган масала — баркамол авлод тарбияси, аслида, бутун инсониятнинг энг эзгу орзусидир.

2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб аталиши миллионлаб ёшларни руҳлантириб юборди. Табиийки, ҳар қандай авлод вакиллари маълум жиҳатлари билан бирбирларидан фарқ қиладилар. Шундай бўлса-да, авлодлар аждодлардан мерос бўлиб қолган, асрлардан-асрларга ўтиб келаётган яхши анъаналарга, умрбоқий қадриятларга содиқ яшашлари лозим. Қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган оламшумул хайрли ишлар, ислоҳотлар мазмун-мундарижасини тушуниб етиш, шундай эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиш, энг муҳими, бефарқ ва лоқайд бўлмаслик бугунги авлод, яъни биз ёшларнинг зиммамиздаги масъулиятли бурчдир.

Янги авлоднинг олдингиларидан асосий фарқи сифатида замонавий технологиялар билан ишлай олиш ва хорижий тилларни билишини алоҳида ажратиб кўрсатишяпти. Бундан ташқари, ақлий салоҳияти, беназир қувваи ҳофизаси билан дунёни лол қолдираётган ёш юртдошларимиз кўп. Ижодкор ёшлар ҳақида ҳам яхши гаплар айтса бўлади.

Қувонарлиси, кейинги йилларда журналистикамиз ривожида ҳам ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буни таҳририятларда амалиёт ўтаётган фикри тиниқ, зеҳни ўткир ва изланувчан ижодкор ёшлар мисолида кўриш мумкин. Бугун шу баҳона амалиёт, умуман, ёшларнинг ўз танлаган соҳасига муносабати, ўй-қизиқишлари борасидаги баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчи эдим.

Барча амалларнинг боши амалиёт ҳисобланади. Маълум бир ишга жойлашишдан олдин шу соҳанинг ҳадисини олмаслик яхши натижа бермайди. Демак, амалиётга юзаки қарамаслик, бу даврда соҳанинг ўзига хос жиҳатларини имкон қадар кўпроқ ўрганиб олишнинг нафи кўп. Қўлига қалам олиб, нимадир дейишга уринган, бедор ўйлари билан бошқаларнинг шуурини уйғотмоқчи бўлаётган ижодкор талабаларга ҳавас қилса арзийди. Уларнинг аксарияти таҳририятлар қошидаги маҳорат мактабларида тобланиб, қалами чархланиб бораяпти. Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат» — «Учитель Узбекистана», «Жамият» ва бошқа газеталари таҳририятлари қошидаги маҳорат мактаблари бу борада, кўплаб ёш қаламкашларга кўмак бермоқда. Таҳририятларга амалиёт ўташ мақсадида дилдан қувониб келаётган талабаларнинг жўшқинлиги, фикрларининг теранлиги журналистикамизнинг эртаси бугунгиданда, ёрқинроқ бўлишига умид уйғотади.

Аммо айрим талабаларнинг «қилиқ»лари кишини бироз ўйлантиради. Улар бир-иккита бўлса, майли эди. «Энди сизларнинг газетангизга амалиётга келаман», дейишади биринчи келишганида. Бажонидил рози бўласиз. «Қайси мавзуларга қизиқасиз, нималар ҳақида ёзасиз?» деган доимий савол-жавоб бошланади. «Ҳамма нарсага қизиқаман», дейди у бемалол. «Бўлмаса, бирор нарса ёзиб келинг».

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, бирорта қораламасини кўтариб келади. Ўқиб, фикр билдирилади. Яхши мавзу кўтарилган бўлса, тез орада мақола газета юзини кўради. Борди-ю, материал талаб даражасида бўлмаса, уни қайта ишлаш лозимлиги айтилиб, қўлдан келганча йўл-йўриқ кўрсатилади. Талаба «Хўп» дейди-ю, зарур юмуши борлигини айтиб, кетишга рухсат сўрайди. (Бу орада қўл телефони уни неча марта «безовта» қилганини айтмаса ҳам бўлар.) "Ҳа, энди талаба-да, вақт муаммо", деб индамай қўя қоласиз.

Шу кетганича ора-орада телефон қилиб, «Фалон мақолам чиқдими?» деб сўраб туради. У таҳририятга амалиёт давомида, жуда масъулиятли бўлса, уч марта келади. Шу кетганича бир куни келади-да, «аъло» баҳо қўйиб амалиёт қоғозини тўлдириб беришингизни илтимос қилади. Агар материали чоп этилган бўлса-ку, иш осон кўчади. Виждон ҳам қийналмайди. Борди-ю, унинг акси бўлса-чи?..

Учар талаба амалиёт қоғозини олади-ю, шу бўйи қайтиб кўринмайди. Қизиқ, нима учун амалиёт унинг келгуси фаолияти учун зарурлигини ҳис қилмайди? «Менга мавзу беринг» деб соатлаб ўтирадиганлари эса ҳаммасидан ошиб тушади. «Фалон кунгача мақолам чиқмаса бўлмайди» деб талаб қўйганлари янада ажабланарли.

Тўғри, амалиётни бир амаллаб ўтказиб юборса бўлар. Аммо келгусидаги фаолиятда бу ўзини қанчалик оқлайди? Бундай юзаки муносабат билан бўлажак мутахассис ҳаётда ўз ишини қандай «амаллайди»? Англашимизча, кейинги пайтда журналистика факультетида ўқиётганларнинг кўпчилиги ёзишга қизиқмайдиган кўринади. Кимдир шунчаки, кимдир ўқитувчи амалиётни газетадан бошланглар, дегани учунгина таҳририят остонасига қадам қўяди. Ҳар ҳолда, газета таҳририятига келаётган баъзи талабаларнинг хатти-ҳаракатлари шундай хулоса чиқаришга мажбур этади.

Яна бир гап. Кўплаб газеталарда ёзга яқин «фамилиялар мавсуми» авжига чиқади. «Мана бу фамилияни қўйиб юборинг, ижодий имтиҳон пайтигача мақоласи чиқмаса бўлмас экан» деб илтимос қилувчилар кўпайиб қолади. Айнан имтиҳон арафасида матбуотда «кўриниб қолган» абитуриентнинг фамилияси у талаба бўлгандан кейин ҳам газета саҳифаларида «яшайверади». Аммо «муаллиф»нинг ўзини бирор марта ҳам кўрмайсиз...

Барибир, таҳририятга келаётган куюнчак, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни кўриш завқи бошқача. Шунданми, тез-тез яхши мақолалар олиб келадиган талабалар ҳурмат билан кутиб олинади. Айниқса, улар орасида аниқ фанларга ихтисослашган олий ўқув юртлари талабаларининг борлиги қувонарли. Уларнинг катталардай мушоҳада юритишлари, қарашлари, мавзуга янгича ёндашувлари кишини шошириб қўяди. Ўз соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар билан бирга ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришларга ҳам бефарқ эмаслигидан кўнглингиз кўтарилади. Ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмай, босиқлик билан ўз фикрини ҳимоя қилаётганида, ростдан ҳам, шундай ёшлар билан ишлаш мазза-да, деган завқни туясиз.

Аммо... кейин яна ҳафсалангиз пир бўлади. Олиб келган материаллари юзасидан саволлар берганингизда, баъзи йигит-қизлар ўзларини «сотиб» қўйишади: «Китобдан олган эдим», «Интернетдан топдим»... Бу ҳам майли, аксарият ҳолларда бундай талабаларнинг баҳо олиш учунгина бу ерга «қадам ранжида қилгани» маълум бўлади. Шундай пайтлар бўладики, бир мавзудаги мақоласифат кўчирма материаллар уюлиб кетади. Уларнинг айнан бир хил матндан иборат эканига нима дейсиз? «Домла газетада мақолам чиқмаса, баҳо қўйиб бермайди» дейди ўзини оқламоқчи бўлган бир талаба. «Илтимос, ўқитувчимнинг ҳам исм-фамилияси чиқсин» дейди яна бири. Яна ўша оғриқ. Жуда ғалати, бир парчагина мақолага ўқитувчи ўзининг номини ҳам «тиқиштириш»га уялмасмикан? Устозларимиз бундай йўл билан шогирдларига қандай қилиб ўрнак бўла оладилар?

«Ўзингиз тўғрилаб юборинг», «Нима бўлса ҳам, чиқса бўлди» деган гаплар одатий тус олди. Наҳотки, ярим соатгина мушоҳада юритиш, фикрлашдан шу даражада эринамиз.

Баъзан талабалар «унга бор, бунга бор»лардан нолиб ҳам қолишади. Меҳнат қилишдан қочмаган, ишга юзаки қарамайдиганларга ҳар доим ҳар ерда яхши муносабат билдиришган. Ишлаган одам ҳеч қачон кам бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди.

Булар — таҳририятда юзаки амалиёт ўтаётган айрим талабалар хатти-ҳаракатларини кузатиб хаёлимдан ўтган фикр ва мулоҳазалар эди. Яхшироқ ўйлаб қаралса, бошқа соҳаларда амалиёт ўтаётган ёшлар орасида ҳам бундайлар учраса керак. Биламизки, малакали кадрларга ҳамиша, ҳар ерда эҳтиёж бор. Амалиёт эса талабанинг соҳага доир билим ва малакасини ошириш билан бирга уни мустақил ҳаётга ҳам тайёрлаб боради. Энг асосийси, катта ютуқларга, буюк эзгу ишларга пойдевор мана шу даврда қўйилади.

Кузатишимча, бу тоифадаги талабалар фикрий ялқовдирлар. Наҳотки, фикрлаш, мулоҳаза юритишдан шунчалар қўрқиш мумкин? Олий ўқув юртида ўқиётган кезларимизда устозларимиз «Қандай бўлса ҳам, ўз фикрингиз бўлсин» деб бот-бот уқтиришарди. Бу сўзларнинг маъно-мағзини энди чақаётгандекман.

Аслида бу дунёда ҳаммамиз талабамиз. Ҳаёт эса буюк устоз. Инсон мудом изланишда, ҳаракатда. Эҳтимол, бугунча амалиёт бир амаллаб «ёпиб» олинар. Лекин эртага-чи?..

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН,**
**журналист**

Рассом хандаси




Отабек НАМОЗОВ чизган.

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

ШАРҲ

## Франция муҳожирлар муаммоси гирдобида

*Сўнгги кунларда Франция ҳукумати томонидан лўлиларнинг мамлакатдан чиқариб юборилаётгани ҳақидаги хабарлар жаҳон матбуотининг биринчи саҳифасидан жой олиб турибди. Хабарларга қараганда, жорий йилнинг сентябрига қадар расмий Париж 1230 нафар лўлини мамлакатдан депортация қилган. Улар Болгария ва Руминияга жўнатилган. Франция ҳукуматининг бу ҳаракати кўҳна қитъа сиёсатчиларининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Масалан, Европа Иттифоқининг адлия масалалари бўйича комиссари Вивиана Рединг лўлиларни мамлакатдан оммавий чиқарилиб юборилиши муносабати билан Франция ҳукуматига нисбатан текширув бошланиши мумкинлигини билдирди.*



Комиссарнинг таъкидлашича, бу билан Франция Европа Иттифоқининг аҳолининг эркин ҳаракатланиши тўғрисидаги қонунини бузмоқда. ЕИнинг барча ҳужжатларида бирлашган Европанинг бирор мамлакатида яшовчи фуқаро бошқа мамлакат ҳудудида эркин ҳаракат қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Франция эса шу қоидага амал қилмаяпти. Бундан ташқари, лўлиларни этник жиҳатдан камситмоқда. Яна у Саркози ҳукуматини Иккинчи жаҳон уруши вақтида лўлиларни фашистларнинг концлагерларига йўллаган Виши ҳукуматига тенглаштирди.

Франция ҳукуматининг ҳаракатини БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам танқид қилди. У Франциядек бағрикенг давлатдан ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан бундай тазйиқ кутмаганини таъкидлади.

Франциянинг Европа ишлари бўйича вазири Пьер Лелуш Еврокомиссар Редингнинг чиқишини ҳақорат деб баҳолади. Унинг таъкидлашича, самолётда юртига жўнатиш ва юк эшелонларида концлагерларга жўнатиш ўртасида катта фарқ бор. Бундан ташқари, Франциядан ватанига депортация қилинаётган ҳар бир лўлига 300 евро, ҳар бир вояга етмаган болага эса 100 евродан пул ҳам берилмоқда. Шунингдек, вазир отаси фашизмга қарши курашганини эслатиб, инсон ҳуқуқлари энг қадрланадиган мамлакат, яъни Франция ҳақида бундай гапириш уят, дея таъкидлади. Унинг қайд этишича, расмий Париж ҳеч кимни камситаётгани йўқ. Мамлакат ҳудудидан фақат лўлилар эмас, ноқонуний келган барча муҳожирлар чиқариб юборилияпти.

Мамлакат ички ишлар вазирлиги матбуот котиби Бернар Валро ҳам лўлиларнинг Руминияга ва Болгарияга депортация қилинишида ҳеч қандай этник камситиш йўқлигини қайд этиб ўтди. Улар муҳожирлик тўғрисидаги қоидаларини бузгани учун ватанига қайтарилмоқда холос, деди у.

Франциялик тўраларнинг гаплари журналистлар ва сиёсатчиларни ҳайратга солди. Чунки улар сал аввалроқ 2010 йилнинг 5 август куни мамлакат президенти Николя Саркози имзолаган ҳужжатдан хабардор бўлишган эди. Ушбу ҳужжатда Франция ҳудудига нолегал ҳолда келган барча фуқароларни чиқариб юбориш ҳақида гап борса-да, лўлиларга алоҳида эътибор берилган. Улар вақтинчалик яшаётган 300 та қишлоқ ва табор уч ҳафта ичида бузиб ташланиши лозимлиги таъкидланган.

Франция президентининг бу кўрсатмаси аён бўлгач, кўҳна қитъада расмий Париж масаласини инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судида кўриб чиқиш ғояси ҳам олға сурила бошланди. Ҳатто Францияга нисбатан жазолар қўллаш лозимлиги таъкидланди. Лекин ҳеч ким бунга журъат эта олмаслиги барчага аён. Чунки Франция ЕИдаги етакчи давлатлардан бири саналади.

Франция нафақат Европа, балки бутун дунё учун ҳам ҳамиша демократия бешиги бўлиб келган. Лекин нима учун бугун мамлакатдан лўлилар қувилмоқда? Шарҳловчилар бу саволга бир неча жавоб борлигини қайд этишяпти. Биринчидан, шундай ҳам Францияда нолегаллар кўпайиб кетган. Иккинчидан, лўлилар турли жиноятларни содир этмоқда. Энг асосийси, мамлакат раҳбари Саркози шу билан ўзининг тушиб бораётган обрўсини кўтармоқчи.

Сўнгги сўровлар натижасига эътибор берадиган бўлсак, бугун Францияда бор-йўғи 30 фоиз аҳоли президент олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватламоқда. Одамлар иқтисодий инқирозга қарши кураш жуда секинлик билан олиб борилаётганидан, ишсизлар сони кўпаяётганидан, пенсияга чиқиш ёшининг 62 ёш қилиб белгиланаётганидан ташвишга тушмоқда. Ўтказилган сўровларга қараганда, 70 фоиз французлар лўлиларнинг вақтинчалик қишлоқлари бузиб ташланишини, 65 фоизи эса уларни Руминия ва Болгарияга жўнатиб юборилишини исташади. Шу боис лўлиларни депортация қилиш жараёни бошлангандан кейин Саркози тарафдорлари сони тўрт фоизга кўпайди. Айтиш жоизки, яна икки йилдан сўнг Францияда навбатдаги президент сайлови бўлиб ўтади. Саркози эса унда иштирок этмоқчи.

Шу ўринда яна бир масалага ҳам тўхталиб ўтсак. Ўтган ҳафта Саркози ЕИ давлат раҳбарлари учрашувидан сўнг Германия ҳам ўзини қўллаб-қувватлаётгани, Франциянинг йўлидан бориб мамлакатдан лўлиларни чиқариб юбормоқчи бўлаётгани, бу масалани Германия канцлери Ангеле Меркел билан муҳокама қилганини айтиб ўтди. Лекин расмий Берлин бу гапларни рад этди. Германия ҳеч қачон бундай йўл тутмаслигини таъкидлади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари бу ҳолатдан ҳайратда, албатта. Бу иш учун кимни айблаш керак? Саркозиними ёки Меркелни? Ким кимни алдаяпти?

Сўнгги хабарларга қараганда, жамоатчиликнинг тазйиқи билан Саркози ҳукумати бироз ён босишга мажбур бўлган. Кеча Руминиядан 10 нафар лўлилар тилини биладиган полициячи Францияга келди. Улар жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича лўлилар орасида тушунтириш ишлари олиб боради.

Хуллас, лўлилар масаласи ҳали анча пайт Европада муҳокама мавзусига айланадиган кўринади. Ҳатто Франциянинг ўзида ҳам бу ишга қаршилар анчагина эканлиги маълум бўлди. Ўтган якшанба куни Парижда лўлиларни депортация қилинишига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унда йирик жамоат арбоблари, зиёлилар иштирок этишди. Улар Франциядек мамлакатда бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмаслигини айтиб ўтишди.

ДАРАКЛАР

### ИШ ЎРИНЛАРИ ҚИСҚАРАДИ

Россия ҳукумати кейинги беш йилда федерал давлат хизматчилари сонини 20 фоизга қисқартирмоқчи. Бу 123 минг нафар тўра иш жойларини йўқотишни билдиради.

Мамлакат президенти Дмитрий Медведевнинг таъкидлашича, штатларнинг қисқариши туфайли ҳар йили 143 миллиард рубль иқтисод қилинади. У ҳар йили хизматчилар сони қисқаришини, лекин йил охирига бориб яна ўз-ўзидан қайтадан тикланиб қолишини билдирди. Энди бундай ҳолатга йўл қўйилмайди, деди у. Президент, шунингдек, аввало ички ишлар тизимида қисқариш ўтказиш лозимлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтди.

### «НИССАН»НИНГ РЕЖАСИ

Японияниng «Ниссан» автоконцерни келгуси йилдан бошлаб Хитой бозорига кенгроқ кириб боришни, сотиладиган автомобиллари сонини икки баравар кўпайтиришни режалаштирмоқда. Концерн 2012 йилга келиб бу мамлакатда 1 миллион 200 мингта автомобиль сотмоқчи.

Автоконцерн раҳбарларининг таъкидлашича, Хитой бугун дунёдаги энг йирик бозорга айланган. Жорий йилнинг иккинчи чораги якунларига кўра Хитой ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Японияни ортда қолдириб, АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқди.

Франциянинг «Рено» автоконцерни «Ниссан»нинг асосий акциядори ҳисобланади. У ҳам Хитой бозорига кириб келган. Лекин бу мамлакатда «Рено» автомобиллари «Ниссан» каби харидоргир эмас.

### САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ



Афғонистонда якшанба куни бўлиб ўтган парламент сайловининг дастлабки якунлари эълон қилинади. РИА «Новости» хабарида айтилишича, хавфсизликни таъминлаш мақсадида сайлов куни юзлаб сайлов пунктлари ишламаган. Бу ишга мамлакат ички ишлар, мудофаа вазирлиги ходимларидан ташқари 150 минг нафар коалицион кучлар вакиллари ҳам жалб қилинган. Шундай бўлсада, 35 жойда портлашлар, отишмалар юз берди. Натижада 14 нафар тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмди.

Мамлакат оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёнида бир нечта участкаларда қонун бузилишларига йўл қўйилгани ҳам таъкидланган. Сайловнинг қонунийлигини таъминлаш бўйича тузилган мустақил комиссияга шу кунгача 700 та шундай ариза келиб тушган.

Сайловнинг расмий якунлари жорий йилнинг 31 октябрь куни маълум бўлади.

### ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

Ҳиндистоннинг марказида жойлашган Мадҳи Продаш штатида йўловчи поезд ва юк поезди тўқнашиб кетиши оқибатида 22 йўловчи ҳаётдан кўз юмди, 50 йўловчи эса турли даражада тан жароҳати олди. Ҳукумат вакили жабрланганлар сони ҳали яна кўпайиши мумкинлигини билдирди. Чунки қутқарув ишлари ҳали тўлиқ тугагани йўқ.



Ассошейтед Пресс мухбирининг ёзишича, Бхадервах станциясида тўхтаб турган йўловчи поездга маҳаллий вақт билан кечаси соат тўртда юк поезди келиб урилган. Хабарда айтилишича, йўловчи поезднинг сўнгги учта вагони қаттиқ зарар кўрган.

Дастлабки хабарларга қараганда, йўловчи поезд машинисти туман ва ёғингарчилик туфайли светафорнинг тақиқлов чироғини кўрмаган. Бошқа хабарда эса светафор ишламагани айтилган.

### АЙБДОР ДЕБ ТОПДИ

Шри-Ланка ҳарбий суди мамлакатнинг собиқ қуруқликдаги қўшинлари қўмондони Сарат Фонсекани айбдор деб топди ва уч йилга озодликдан маҳрум қилди. Энди суд ҳукмини президент тасдиқлаши керак.

Тергов пайтида маълум бўлишича, Фонсека куёвига қарашли қурол ишлаб чиқарадиган компанияга давлат ҳисобидан ҳомийлик қилган. Бундан ташқари, у давлат сирини ошкор этишда, шунингдек, ҳарбий хизматдан қочган аскарларни ишга жойлаштиришда ҳам айбланмоқда. Аммо бу айбловлар фуқаролик суди томонидан кўриб чиқилади.

Сарат Фонсека жорий йилнинг февралида давлат тўнтариши уюштиришга уринишда гумон қилиниб қамоққа олинган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

БАЛИҚЧИЛИК

## ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛАДИ

*Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бундан минг йил муқаддам яшаб ўтган қомусий олим Муҳаммад ал-Хоразмий қаламига мансуб асарда қайд этилишича, қадимда Орол денгизининг акваторияси ҳозиргига нисбатан ғарб томонга кўпроқ чўзилган, унга 15 дарё ўз сувини қуйган. Каспий ва Орол денгизлари Манғишлоқ ҳавзасини кесиб ўтувчи икки дарё орқали бирлашган. Оролга сув қуювчи 4 та дарё эса Туркманистон жанубидаги Копетдоғ тизмаларидан сув олган. 15 дарёнинг энг йириклари хусусан, Жайҳун (Амударё) ва Сайҳун (Сирдарё) кичик кўллардан бошланган. Яна икки дарё ҳозирги Қизилқум ҳудудидаги ўрмонли ясси тоғлардан сув олган. Бундан ташқари, Орол денгизига шимоли-шарқ томондан яна бешта дарё қуйилган, улар Муҳожари тоғларидан бошланарди. Барча дарёлар анча узун ва серсув бўлган.*

Бу тарихий манбалар қадим замонлардан буён хоразм воҳасида балиқчилик билан шуғулланиб келинганидан далолат беради. Зеро, балиқчилик ҳам бошқа тармоқлар қатори сердаромад соҳадир. Бугунги кунда Хоразмда ота-боболарнинг қадимий балиқчилик касбини эъзозлаб келаётганлар кўп. Тўғри, ҳозир Амударё аввалгидек тўлиб-тошиб оқмайди, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари бармоқ билан санарли. Шундай бўлса-да хоразмлик балиқчилар эл дастурхонини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишаяпти.

Мамлакатимизда бу соҳага доир қабул қилинган қарорлар, амалга оширилган туб ислоҳотлар ўз самарасини берди. Вилоят туманларида янгидан балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳозир балиқ овлаш билан шуғулланадиган корхоналар ва фермер хўжаликларининг сони ўттизга етди. Улар орасида Янгиариқ ва Хива туманлари ҳудудидаги кўлларда балиқ овлаш ва етиштириш билан шуғулланаётган "Хоразм балиқ" масъулияти чекланган жамияти алоҳида ажралиб туради. МЧЖ жамоаси асосан сунъий сув ҳавзаларида карп ва ўсимликхўр балиқлар етиштириш, балиқ маҳсулотларини вилоятимиз, шунингдек, республика аҳолисига тирик, совутилган, ярим фабрикат ҳолида сотиш ишларини амалга оширмоқда.

— Ҳукуматимиз томонидан 2009 йилда қабул қилинган "2009-2011 йилларда республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар" Дастури бугунги кунда "Хоразм балиқ" МЧЖ жамоаси томонидан сидқидилдан ижро этилаяпти, — дейди жамият раҳбари Ибодулла Маҳмудов.

Бунинг учун корхонанинг барча сунъий сув ҳавзаларида ишларни кеча-ю кундуз бир маромда ташкил этиш, янги ресурсларни излаб топиш, балиқчилар, барча ходимлар малакаси, маҳорати ва тажрибасини муттасил ошириб бориш диққат марказида турибди. Бултур ва шу йилнинг ўтган биринчи ярмида жамоа балиқчилари эришган ютуқлар бу соҳаларда муайян ишлар рўёбга чиқарилаётганидан далолат беради. Ўтган йилнинг ўзида истеъмолчиларга 690 тонна балиқ сотилди. Ялпи даромад 1 миллиард 423 миллион 317 минг сўмни ташкил этди. Соф фойда эса 386 миллион 921 минг сўмга етди. Рентабеллик 22 фоиз ўсди.

2010 йилнинг биринчи ярмида эса муваффақиятлар янада мустаҳкамланди. Балиқчиликни ривожлантириш кўп жиҳатдан сотиш учун балиқ ўстириш ҳавзаларида майда балиқлар етиштириб боришни талаб этади. Ўтган йил ва шу йилнинг биринчи ярмида сунъий сув ҳавзаларига кўпайтириш учун бир миллион донадан зиёд карп, юз мингга яқин оқ амур, қарийб бир миллион дона оқ дўнгпешона, юз мингдан зиёд чипор дўнгпешона каби тош босадиган майда балиқлар ташланди. Бултур жамиятнинг наслчилик бўлими ишчи-хизматчилари самарали иш олиб боришди. Бўлим томонидан 8 миллион дона карп ва қарийб 15 миллион дона ўсимликхўр балиқларнинг личинкалари олиниб, ўстириш учун сунъий сув ҳавзаларига ўтказилди.

Бу йил ҳам "Хоразм балиқ" МЧЖ жамоаси улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилаяпти. Йил мобайнида 900 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган. Шу режа асосида 1027,9 гектар сув ҳавзасига майда балиқчалар ташланиб парвариш қилинмоқда. Луқмаи ҳалол етиштиришни кўпайтириш, унумдорликни, рентабелликни янада ошириш сунъий сув ҳавзаларини қазиш чуқурлаштиришни тақозо этади. Бу ишлар жамият тасарруфидан техника воситалари ва ижарага олинган экскаваторлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Барча сув ҳавзалари бегона ўтлардан тозаланди.




Балиқчилик тобора ривож топиб унумдорлик ортиб бораётгани туфайли МЧЖ ходимларининг турмуш фаровонлиги ҳам юксалмоқда. Балиқчиларнинг ойлик маошлари ўз муддатида бериб борилаяпти. Ишлаб чиқариш илғорлари, ташаббус кўрсатиб ишлаётган ходимлар меҳнатларига яраша рағбатлантирилаётирлар.

"Хоразм балиқ" жамоаси истиқомат қилаётган қишлоқдаги мактабни таъмирлаш, болалар спортини ривожлантириш, ишчи-хизматчилар фарзандларининг олий ўқув юртларида таълим олишлари учун тўлов-контракт пулларини тўлаб бериш, шунингдек, ногиронларга, кам даромадли оилаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатишга ҳам жиддий эътибор беради. Ўтган йил ва шу йилнинг биринчи ярмида 30 миллион сўмликдан зиёд ана шундай ҳомийлик ишлари амалга оширилди.

"Хоразм балиқ" МЧЖ балиқчилари барча ходимлари ютуқларни янада мустаҳкамлаб, халқимиз дастурхонини қимматли, тўйимли, айни пайтда парҳез гўшт маҳсулотлари билан тўкин-сочин қилиш йўлида чинакам жонбозлик намуналарини кўрсатаяптилар.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ, "Hurriyat" мухбири** ®

ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗАСИ

Очиғи, кейинги пайтларда негадир меҳрга зориққандай бўляпман. Шунинг учунми, болалигим бот-бот ёдга тушади. Томларида қизғалдоқ ўсган уйларни, дарвозаси йўқ ҳовлиларни эслайман. Айвонимизга қўл чўзиб турган дарахт шохлари ҳали-ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Яна шуни алланечук ҳаяжон билан эслайманки, ҳовлимиздаги меваларни ўзимиз териб олардик-у, кўча томонда ўсган тут, гилос, ёнғоқларни кўчада ўтган-кетганлар билан баҳам кўрардик. Чунки бувим раҳматли кўчада ўсган дарахтда кўчанинг ҳаққи борлигини мудом таъкидлардилар. Ҳар кеч қўшнимизникига «қўшни товоқ» олиб чиқардик. Бувимнинг айтишларича, қозонимизда қайнаётган таомда ҳам қўшнининг бир коса ҳаққи бор экан. У киши ана шундай соддадил, бағрикенг аёл эдилар. Мен ҳам шунақанги хокисор, самимий инсонлар ичида улғайдим.

# Бир чимдим меҳр излаб...

Аммо нима бўлди-ю, қишлоқни қўйиб, шаҳарда яшагим келди. Катта жойларда ўқиб, катта маъноларни топмоқчи бўлдим. Назаримда, бу содда одамларнинг ҳаётида тузукроқ маъно йўқдек туюлди. Қишлоқдан шаҳарга келдим. Ортимдан кўз тикиб қолган бувимни «Бор-йўғи тўрт синфгача ўқиган содда аёлда» деб ўйладим. Болалигимда баланд уйларда яшашни орзу қилардим. Тиш бутунлигида қилинган орзу, рўёбга чиқаркан-да! Мана, ҳозир катта шаҳардаги баланд биноларнинг бирида яшайман. Мақсадимга етиб, ўзим хоҳлаган жойда ўқидим ва ишладим. Аммо умримнинг ярми ўтибдики, ҳалиям ўша ёшлигимда топмоқчи бўлганим «катта маънолар»ни излайман. Юқори қаватдаги каталакдай уйимга биттадан эмас, иккитадан темир эшик қўйиб, дунёни шу эшиклар ортидан фикрлайман. Баъзан жаҳон ёки Интернет орқали дунёнинг нариги чеккасида нима бўлаётганини биламизу, ёнимиздаги одамларнинг аҳволидан бехабармиз. Юракларимиз темирга айланаётгандай туюляпти.

Тўғри, техника тараққиёти даврида сўнгги русумдаги «қутича»лар билан гаплашиб, дунёни ўшалар орқали кўряпмиз, эшитяпмиз, идрок қиляпмиз. Албатта, биз ҳам ривожланишда дунё ҳалқларидан орқада қолмаймиз. Бунинг учун барча имкониятларимиз етарли. Ёшларимиз жаҳоннинг исталган давлатида яшовчи тенгдошлари билан рақобатга кириша олишади. Бундан, албатта, фахрланамиз. Аммо, нима бўлганда ҳам, уларни асрлар давомида ота-боболаримизнинг қалб қўридан жой олган меҳр деб аталмиш туйғудан мосуво қилишга, меҳрсизликка ўргатишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Шундай эмасми?

Яна бор-йўғи тўрт синф ўқиган соддагина бувимни эслайман. Энди билсам, ўшанда бувижоним қўшникикига бир коса овқат эмас, бир коса меҳр улашган эканлар. Ҳар куни кўзкўзга, юз-юзга тушиб, ҳол-аҳвол сўралса юракларда меҳр уйғонаркан. Ўзи тановвул қилаётган луқмадан ўзгаларга ҳам илинса, меҳр-муҳаббат янада ортар экан. Ўйлаб-ўйлаб, бутун ҳаётим давомида излаганим, охири самимий инсонларнинг дил тўридан топганим энг буюк маъно эканига иқрор бўлдим.

Шарқнинг улуғ донишмандларидан бири «Агар менга ернинг таянч нуқтасини кўрсатсангиз, мен уни бармоғимнинг учида кўтараман», деган экан. Менимча, она заминимизнинг таянч нуқтаси — меҳр. Ундан-да қудратлироқ туйғу йўқ. Зотан, барча эзгуликларнинг замирида беқиёс Ватанимизга, ота-онамизга, яқинларимизга, ёру дўстларимизга бўлган оташин меҳр ётади.

**Барно РУСТАМОВА**

# ИБРАТЛИ ОИЛА — КЕЛАЖАК УСТУНИ

*Маҳалламизда бир ажойиб хонадон бор. Бу ердагиларнинг кўпчилиги ушбу хонадон аъзоларига жуда-жуда ҳавас қилади. Шу жумладан, мен ҳам. Бу оиладаги қизлар бўйига етар-етмас ҳовлисига совчилар ёғилиб келади. Аммо бу уйдагилар қизларининг маълумот олишларига, ҳеч бўлмаса, битта ҳунарни мукаммал эгаллашларига шароит яратиб берадилар, камида 20-21 ёшга тўлгачгина турмушга узатишади. Шундан бўлса керак, бу оила билан қуда бўлганлар келинга ёлчийдилар. Энг муҳими, соғлом, пазанда, чевар, хушмуомала қизлар ҳар қандай қайнонани ҳам ром қилишади, ўғил-қизларни дунёга келтириб, ўша хонадонга бахт ва файз олиб киришади.*



Кўриниб турибдики, бу хонадонда қизларни турмушга тайёрлаш бўйича ўзига хос оила мактаби мавжуд. Мазкур мактабда нафақат овқат пишириш, нон ёпиш, рўзғор тутиш каби кундалик юмушлар, балки озодалик, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ёш болани парваришлаш каби муҳим жиҳатлар ўргатиладики, бу кейинчалик турмушда жуда асқотади. Қисқа қилиб айтганда, қизлар нафақат кийим, тақинчоқлардан, балки одоб, ҳаё, хушмуомалалик, соғлом турмуш тарзидан ҳам қўшимча сеп қилган ҳолда келин бўлиб борадилар.

Туманимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросига доир махсус режада "Туманнинг барча ҳудудларида соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича қизларга маслаҳатлар беришни ташкил этиш, репродуктив саломатликни таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш муаммолари бўйича ёшлар ва ёш оилалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, "Оилада саломатлик марафони", "Соғлом она — соғлом авлод" тадбирларини ташкил этиш" каби мақсадли вазифалар ҳам акс этган.

Ана шу режага мувофиқ ҳозирги кунда туманимизда хотин-қизлар қўмитаси, тиббиёт ходимлари ва ФҲДЁ бўлими вакиллари иштирокида суҳбатлар ташкил этилаяпти, семинарлар уюштирилаяпти. Назаримда, бу муҳим ишда ўз ўғил-қизларини турмушга тайёрлаш бўйича ҳақиқий оила мактабини яратган ҳамюртларимизнинг илғор тажрибалари ҳам кенг тарғиб этилиши, намуна қилиб кўрсатилиши лозим. Қолаверса, ана шундай оила соҳибу соҳибалари бундай мулоқотларга таклиф этилса, улар билан мулоқотлар ўтказилса, айни муддао бўлади. Бу ҳаракат ўз навбатида Ватанимизда ибратли оилалар сонининг янада ошишига сабаб бўлади.

**Нурнисо БОБОЕВА,**
**Шаҳрисабз тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

ДЕПАРТАМЕНТ ФАОЛИЯТИДАН

## "ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯСИ"

Жаксилиқ эрта тонгданоқ ишга чиқар экан, миясида минг бир хаёл чарх уради. Оиласи, бола-чақасини боқаман деб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилади. Лекин ҳадеганда иши юришавермайди... Аксига олиб омад ҳам ундан юз ўгираверади, ўгираверади.

Пойтахтнинг турли жойларида калит ясаш билан анчадан буён шуғулланиб келаётган Жаксилиқ Абдураҳмонов ўз ишидан ҳеч қониқмас, иложи топилса-ю, бошқа ёғлироқ иш топиб, жарақ-жарақ пул ишлашни орзу қиларди. Ҳолва деган билан оғиз чучимас деганларидек, яхши иш топиш учун ўзи ҳам ҳаракатда бўлиши кераклиги ҳақида ўйламас эди.

Ана шундай кунларнинг бирида, яъни апрель ойининг ўрталарида унинг ёнига эски таниши Рубен келди.

— Ҳа, қалайсан? Ўтирибсанми калитингни ясаб?

— Яхшироқ иш таклиф қилмоқчимисан?

— Таклиф қилсам-чи?

— Соққаси яхши бўлса, жон деймана...

— Ундай бўлса, тайёр тур, ярим соатлардан кейин учрашамиз. Шундай деганча Рубен қаергадир ғойиб бўлди.

Шундай қилиб, Рубен Саркисян Жаксилиқ Абдураҳмоновни ўзининг жиноий ишига шерик қилди. Уларнинг биргаликдаги "иши" эса "валюта операцияси" эди. Рубен валютачи ҳамкорларига катта миқдордаги АҚШ долларини қонунга хилоф тарзда қора бозорда ўтказиши, Жаксилиқ эса унга ёрдам бериши керак эди. Ҳар бир операция муваффақиятли якунланганида Ж.Абдураҳмонов тахминан 20 дақиқалик хизмати учун 10 минг сўм пул оларди.

Пойтахтимиз қоқ марказидаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасининг орқа тарафидаги автомобиллар тўхташ жойида фуқаро У.Улашовга ваъда қилинган 3500 АҚШ долларини олиб келган долларчилар олди-сотди учун тинчроқ, хавфсизроқ жойни қидиришди. Шу мақсадда шериклар ўзлари миниб келган автомобилларини бирин-кетин меҳмонхона ортидаги кичик кўчага ҳайдашди. Тахминан 15 дақиқадан сўнг ҳақиқий савдо боланди. Рубен Саркисян ҳамда Жаксилиқ Абдураҳмоновлар 3500 АҚШ долларини фуқаро У.Улашовга жами 8 миллион 400 минг сўмга (бир АҚШ долларини қора бозор нархида 2400 сўмдан) пуллашди.

Мазкур ҳаракатлари қонунга хилоф эканини била туриб, нафс қулига айланган шериклар жиноят жазосиз қолмаслигини унутишган эди. Тез орада департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари қонунни менсимаган валютачиларнинг қинғир ишига чек қўйишди. Савдо тарқамасдан етиб келган тезкор ходимлар Рубен Саркисян ҳамда Жаксилиқ Абдураҳмоновларни далилий ашё билан қўлга олишди.

Суд мажлисида қилмишидан пушаймон эканини яширмаган қонунбузарлар нафс балосига учраб, оиласини, бола-чақасини унутганини тан олишди. Аммо жиноят жазосиз қолмайди. Улар Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми "б,в" банди билан айбдор деб топилиб, катта миқдордаги жарима жазосига тортилишди.

**Зиёвуддин АЪЗАМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори**



## ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланувчи Ш.Нурулҳақ, С.Муҳамедова, Х.Турсунова, Ш.Убайходжаева, Н.Бўриходжаева ҳамда М.Ергешовалар жиноий гуруҳ тузиб, ноқонуний даромад олиш мақсадида валюта сотиб олиш ва қайта сотиш билан шуғулланишган.

Гуруҳ аъзолари олдиндан режа тузган ҳолда банк муассасаларидан валюта қимматликларини давлат нархида олиб, қора бозорда сотишгани фош бўлди. Улар ўз жиноятларига банк ходимларини ҳам жалб этишгани эса ачинарли ҳол.

Жиноий гуруҳнинг иш тақсимотига кўра, С.Муҳамедова ва терговда шахси аниқланмаган Қодирбек исмли шахслар уюшган гуруҳ раҳбари Ш. Нурулҳақ ва М.Фозиловаларнинг топшириғига кўра, ўз фуқаролик паспортига доллар олиб берувчи содда ва муҳтож шахсларни топиб, уларни маълум ҳақ эвазига валюта айирбошлаш шохобчасидан АҚШ долларини олиб беришга кўндиришган. Ш.Нурулҳақ ва М.Фозиловалар эса валюта айирбошлаш шохобчаси ёнида сунъий равишда навбат ҳосил қилиб, гуруҳ аъзолари С.Муҳамедова ва Қодирбек олиб келган фуқароларнинг паспортлари билан боғлиқ масалаларни "ҳал қилиш", нусха кўчириб, пул тақсимлаш билан шуғулланар эди.

Жиноий гуруҳнинг навбатдаги "операция"си Шайхонтоҳур туманида жойлашган Асака банкнинг Шайхонтоҳур филиалига қарашли валюта айирбошлаш шохобчасида ташкил қилинди. Ҳамма ўз ўрнида: С.Муҳамедова ва Қодирбек фуқароларни паспорти билан "ишга жалб қилиш", Ш.Нурулҳақ эса шохобча ёнига "бегона"ларни яқинлаштирмаслик билан банд. Мақсадга эришиш йўлида сунъий жанжал уюштириб тўполон қилишдан ҳам тоймайдиган қонунбузарлар ўзларини нималар кутаётганидан бехабар эдилар. Шу куни ноқонуний валюта олди-сотдисига қарши рейд уюштираётган департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари юқоридаги жиноий гуруҳнинг барча кирдикорларини назоратга олишган эди.

Режага кўра ёлланма ишчилар Н.Бўриходжаева ҳамда М.Ергешоваларнинг гали келди. Уларнинг ҳар бири гуруҳ раҳбарлари Ш.Нурулҳақ томонидан берилган 3 миллион 100 минг сўмни қўлига олиб, шохобча ёнида ўз навбатларини кутиб туришди. Вақт келди, ёлланма ишчилар ўзбек пулини жами 4000 АҚШ долларига алмаштирди. Аммо улар шохобчадан чиқиб кета олишмади. Тезкор ходимларимиз ўз вақтида қонун бузилишининг олдини олишди. Шу ернинг ўзидаёқ валютачи аёл томонидан таклиф этилган 12 минг сўм эвазига шохобчадан доллар олиб беришга рози бўлган Н.Бўриходжаева ҳамда М.Ергешовалар айбларига иқрор бўлишди. Ҳудди шундай ҳаракат Х.Турсунова, Ш.Убайходжаевалар ёрдамида бошқа бир валюта айирбошлаш шохобчасида амалга оширилди.

Қилмиш — қидирмиш дейишади. Ноқонуний валюта савдосига бошчилик қилган ҳамда бир неча кишиларни ана шу нопок ишга жалб қилган қонунбузарлар одил суд олдида жавоб беришди. Ўзи билиб билмай уюшган жиноятчиларга қўшилиб қолган гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам тегишлича жазо олишди.

**Жамшид ТЎХТАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори**

НУҚТАИ НАЗАР

# Имон янгиланишга чорлайди

*Хорижда чоп этилган адабиётлардан бирида бир гуруҳ мутахассисларнинг дунё тамаддуни билан боғлиқ мулоҳазалари баён этилган суҳбатни ўқидим. Улар узоқ аждодларимизга нисбатан ҳозирги одамлар аурасидан таралаётган биоэнергетик қувват тахминан юз баравар кўпайганини, вақт ҳам шунга мувофиқ тезлашганини, бир аср илгари уч ойда битирилган юмушларни бугун уч соатда уддалаш имкониятлари яратилаётганини тилга оладилар.*

*Аммо одамларнинг қалб кечинмаларидаги янгиланишлар вақт, биоқувват майдонларининг ўсиши, техника ўзгаришлари суръати билан тенглашолмаётгани олимларни ташвишга солади. Маънавий-руҳий ҳамда техника тараққиёти ўртасидаги тафовутнинг катталашуви ер юзи тамаддуни учун салбий оқибатларни юзага келтириши мумкинлигини илмий асослашга уринадилар. Уларнинг куюнишларида жон бор. Дунё миқёсида рўй бераётган терроризм хуружлари, ОИТС ва гиёҳвандлик балолари, қолаверса, қашшоқлик, зўравонлик, порахўрлик сингари иллатлар ер юзи халқларининг маънавий-руҳий юксалишига тўсиқ бўлаётгани сир эмас.*

Шукурки, бизнинг юртимиздаги маънавий иқлим ҳудудимизда бу балолар соясининг куюқлашувига имкон бермайди. Маҳалла-кўй, жамоатчилик уларнинг кўзга чалинган кўринишларига тиш-тирноғи билан курашади.

Маълумки, қалб кечинмаларининг янгиланиши деганда, имон-эътиқод, садоқат, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик сингари олий қадриятларнинг одамлар феъл-атворида даврга ҳамоҳанг намоён бўлиши тушунилади.

Масалан, Ватан, ватанпарварлик тушунчалари киндик қони тўкилган юрт, азиз хонадон, муқаддас замин сингари тушунчалар билан таърифланади. Лекин бугун ушбу тавсифлар Ватан тушунчасининг айрим хусусиятларинигина акс эттириши кўпчиликка аён. Қиёфамиздан тортиб, айтар сўзимиз, бажараётган юмушларимиз, хуллас, ўзлигимизга муносабатимиз шу она заминга муносабатимизни белгиламоқда. Демак, бугун киндик қонимиз тўкилган юртимиз ҳад-ҳудудларидан тортиб то киприкларимизга қўнаётган гардга қадар ўзимизга дахлдорлигини англашимиз бу олий туйғунинг негизидир. Лекин имоннинг ватани — қалб заиф бўлса, Ватан туйғусини тўкис илғаш мумкинми? Давраларнинг тўрида Ватан дея кўкракка уриб шеърлар ўқиймиз-у, пастга тушиб, бизни ким эшитди, ким афтини жийирди, дея суриштирамиз. Ҳалоллик, поклик ҳақида оғиз кўпиртирамиз-у, яна қандай йўл тутсак, эшигимиздан биров "пакет" кўтариб кираркин, дея илҳақ бўламиз.

Ҳа, зиёлиларимиз орасида ҳар қандай шароитда ўзлигига содиқ қоладиган, сўзи билан амали бир инсонлар кўп. Бироқ улар сафида берган сўзида турмайдиган, ёлғон гапирадиган, шахсий манфаатлари йўлида учраган кимсани тепкилаб ўтишга тайёр бўлган, такаббур кимсалар ҳам учраб туради. Ачинарлиси шундаки, кўпчилигимиз бу иллатларнинг урчишига гоҳ тилимиз, гоҳ сукут сақлашимиз, гоҳ ҳаракатимиз билан ҳисса қўшаяпмиз. Бу борада ягона манфаат — нафсимиз илинжида ҳеч иккиланмасдан, шундай бўлиши лозимдек, бамайлихотир йўл тутамиз.

Оддий ҳақиқат бор: кўнглидаги энг олий туйғуларга амал қилиб яшаётганлар Ватанга содиқ кишилардир. Уларни чинакам зиёли деб аташ мумкин. Ўз даврида ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ана шундай зиёлилардан эди. Бу одам шахс сифатида ҳам, ёзувчи сифатида ҳам кучли инсон бўлгани маълум. Таниқли санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг инсонийлик фазилатлари унинг қўшиқлари мисол тарихимизда муҳрланган. Ёки халқ терма ва достонларининг куйловчиси Қодир бахшини эслайлик. Унга душманлик қилган қўшнисининг тўйида хизмат қилиб, меҳмонлар кўнглини хушнуд этгани учун тўй эгаси бахши қаршисида тиз чўкиб, кўзида ёш билан узр сўраган.

Биз сўзи бошқа, амали бошқа кимсалар турли даврларда бўлган, у ўтиш даврига хос ўткинчи жараён, унга жиддий эътибор қаратиш муҳим эмас, дея хотиржам тортолмаймиз. Айтайлик, дарахтдан терган бир челак ҳосилимизнинг учдан бири чиқитга чиқса, хафа бўламиз. Агар ярми яроқсиз бўлса, дарахт парваришига киришилади. Худди шундай биз ижод аҳли ҳам қалб кечинмаларимизни жиддий тафтишу ислоҳ этиш йўлларини бугун изламасак, эртага кўзлаган манзилимиз сари одимларимиз машаққатли кечади.

Теваракка теран нигоҳ ила қараш, зийраклик ва тезкорлик билан муносабатда бўлиш, миллий маънавиятимизни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда мушоҳада юритиш — бугунги илғор замондошларимизнинг энг муҳим хусусиятларидир. Биз юқорида тилга олган иллатлар уларнинг замирига болта уриши мумкин. Ҳатто тарихий китобларда ёзилишича, имон ҳам худди янги кўйлакдек янгиланиб турилиши лозим. Шу боис биз зиёлилар юртдошларимиз орасида янгиланаётган имон, меҳр-вафо, оқибат учун кураш тадбирларига жиддий киришишимиз даркорлигини, ушбу маънавий тафтишларни, энг аввало, ўзимиздан бошлашимизни, унга шу бугундан, шу дақиқадан киришишимизни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

Истиқлол йилларида Ватанимиз шарафини жаҳон узра юксалтирган қанчадан-қанча қаҳрамонликлар гувоҳи бўлдик. Илм, санъат, маданият, спортда дунё бўйлаб муносиб эътибор қозонган не-не йигит-қизларимиз қаторида, элимиз тинчлигини жисму жони билан ҳимоя қилаётган ҳарбийларнинг жасоратлари ҳам юксак эъзозга муносибдир. Уларнинг фидокорона хизматлари туфайли турмушимиз фаровон, ҳаётимиз осойишта кечмоқда. Юртимизнинг бепоён сарҳадларини кўз қорачиғидек асраётган бу жасур ўғлонларнинг ватанпарварлиги кўплаб ёшларнинг қалбида миллий ғурурни тарбиялашга, Алпомиш боболаримиз сингари мард инсонлар бўлиб етишишига ҳавас уйғотади, албатта.

КИНО

# Шарафли бурч масъулияти

Яқинда телеэкранда намойиш этилган, 13 қисмдан иборат «Сержантлар» фильми ана шундай энг масъулиятли, шу билан бирга шарафли касбни танлаган ёш замондошларимизнинг куч-иродаси, билими ва шижоатини яна бир бор намоён этди. Фильмнинг ҳар бир кадри ўта синчковлик ва эътибор билан танлангани ижодий гуруҳнинг бу эзгу ишга катта кучи, меҳнати, вақти сарфланганлигидан далолат беради.

Аслида ватанпарварлик ҳақида кўп гапириш, уни рангдор бўёқларда тасвирлаш мумкин. Аммо зарурият пайтида Ватан учун жонини бериш камдан-кам одамларга насиб этадиган қаҳрамонликдир.

«Сержантлар» фильми ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниққан, ҳаётдаги кутилмаган воқеаларга тайёр ёшлар ҳаётига бағишланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Улар ёғин-сочин кунларда ҳам ўз бурчини муқаддас билиб, юрт тинчлигини ҳимоя қилишга, уни юксалтиришга бор куч-ғайратлари, имкониятларини сарф қилади. Бу ҳолат нафақат соҳа вакилларини, балки келгусида ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Фильмда хусусан, Шодия, Шукур, Бекзод, Вали, Чўлиев образлари яхши очиб берилган. Шу ўринда Чўлиевнинг бир саҳна кўриниши бор: ҳарбий мактабга келганлар илк машғулотга спорт кийимида чиқади. Шунда мураббий уларга: «Худо кўрсатмасин, кутилмаганда ёв бостириб келса, спорт кийимимни ечиб, ҳарбийсини кийиб келай, дейсизларми», — дея танбеҳ беради. Бундан нафақат сержантлар, балки томошабинлар ҳам хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш — кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки у кундалик иш, амалий ҳаракат бўлиши лозимлигини англайди. Бу муқаддас касб эгаларининг ўта тартибли, шу билан бирга қизиқарли ҳаётини завқ билан кузатган ҳар бир инсон энг аввало, ўз миллатини асраб-авайлашга, улуғлашга қодир эканини ҳис этади.

— Ижодий фаолиятим давомида хорижий сериалларни кўп марта таржима қилган бўлсам-да, «Сержантлар» сценарийсини ёзиш мен учун янгилик бўлди, — дейди биз билан суҳбатда асар ҳаммуаллифларидан бири, таниқли шоир Фахриддин Низомов. — Фильмда ватан туйғусини қаҳрамонларнинг ички дунёси, такрорланмас характери ва ҳаракатлари орқали очишга ҳаракат қилдик. Улар ҳаётида кутилмаган воқеалар кўп бўлади. Ана шу синовларга сержант бўлишни орзу қилган ёшлар тайёрми, деган ўй-фикрлар хаёлимизни тарк этмади. Сержантлар мактабига бориб, ҳарбийлар низоми, қонун-қоидаларини чуқур ўргандик. Шунда ҳақиқий қаҳрамонлик нима, унга қандай эришилади? У қандай юз беради, деган саволларга жавоб топдик. Аммо кузатган воқеалар, ҳолатларни қоғозга тушириш осон кечмайди. Сценарийнинг 9-чи қисмидан кейин ёзганларимиздан кўнглимиз тўлмай, ҳаммуаллифим билан маслаҳатлашиб, қайта ишладик. Бу фильмда келгусида сержант ёки чегарачи бўлишни ҳавас қилган ёшлар ҳозирдан қаҳрамонларимизнинг фидойиликларини кўриб, ҳаётнинг қийинчиликларини енгиб ўтиши, жисмоний машғулотларга чиниқиб бориши ҳам назарда тутилганди. Бунга қанчалик эришганимизни вақти-соати билан томошабинлар ўз фикр-мулоҳазалари орқали билдиради, деган умиддамиз.

Назаримда, ҳар қандай фильмнинг муваффақият қозониши аввало, муаллифга боғлиқ. Унинг савияси туфайли асар ё ҳақиқий кинога айланади ёки заиф ишланган жўнгина бир нарса бўлиб қолади. Ўзим бир кино мухлиси сифатида, кейинги пайтда экранларимизда маиший мавзуларда ишланган фильмлар, хорижий сериаллар кўпайиб кетганидан ташвишга тушаман. Сифатсиз нарсалардан кўра, ёшларнинг миллий ғururини шакллантирадиган, ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган ўзбек фильмлари кўплаб яратилиши керак, деб ўйлайман. «Ўзбектелефильм»да суратга олинган «Сержантлар» фильми ана шу эзгу йўлдаги ҳаракатлардан бири бўлса, не ажаб.

Ҳа, қатъият ва сабот билан ишланган бу фильм томошабинлар меҳрини қозонди. Бу ютуқларда нафақат сценарий муаллифлари, балки режиссёр ва актёрларнинг ҳам хизматлари бор. Улар энг мураккаб ижодий жараёнларда ҳам ўзларига билдирилган ишончни оқлай олдилар.

— Бу фильмни суратга олишда республикамиз Мудофаа вазирлиги мутасаддилари, «Ўзбектелефильм» жамоаси катта ёрдам берди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз, — дейди сценарий муаллифи, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов. — Очиғи, ҳарбийлар ҳаёти ҳақида ёзиш ҳам қизиқарли, ҳам масъулиятдир. Уларнинг ўз қонун-қоидалари бор. Мақсадимиз, ундан чиқмаган ҳолда Ватан тинчлигини мустаҳкамлашдай шарафли вазифани ўз зиммасига олган замондошларимизнинг хизматларини яна бир бор эъзозлаш эди.

Мен бундан бир неча йил илгари миллий армиямиз ҳақида «18-квадрат» фильмини суратга олгандим. Ана шу тажриба бу фильмда ҳам ёрдам берди. Ижод жараёнида Фахриддин Низомовдан кўп нарсаларни ўргандим. Масалан, сценарийда Ватан туйғусини қуруқ сўзда эмас, қаҳрамонларнинг кўз қараши ёки ҳаракатлари билан тасвирланганини, диалогларда ҳикматли иборалар, мақоллар ва аскиялардан керакли жойда фойдаланилгани фильмни янада мазмунли чиқишига сабаб бўлди.



Умуман, «Сержантлар» ҳақида фильм яратишни акам, режиссёр Нуриддин Қосимов кўпдан бери орзу қилиб юрарди. Бизни ҳам ана шу эзгу ишга ундаган ўзлари бўлади. Сценарийнинг бўёғи қуримай, суратга олиш ишларини бошлаб юборди. Фильмнинг асосий қисми куз, қиш ойларида олингани боис, съёмка жараёнлари актёр қизларимизга бироз қийинчиликлар туғдирди. Лекин улар ҳарбий машқларни ўзгача завқ билан бажаришга ҳаракат қилишди. Ўшанда фильм режиссёри Нуриддин Қосимов юраги бир нарсани сезгандек: «Вақт кетаяпти, тезроқ сценарийнинг давомини ёзиб беринглар», деб бизни кўп шоширди. Дунёда ҳамма нарса омонат экан. Буни қарангки, у Мудофаа вазирлигининг топшириғи билан Хоразмдаги сержантлар мактабига бориб, фильм суратга олиш жараёнида хизмат вазифасини ўтаётиб, юрак хуружидан оламдан ўтди. Бу кутилмаган фожиа нафақат бизни, мухлисларини ҳам қаттиқ изтиробга солди. Лекин у кишининг режиссёр сифатида яратган «Жалолиддин Румий», «Нотаниш полвон» ва бошқа кўплаб фильмлари томошабинлар ёдида сақланиб қолишига ишонаман. Нуриддин Қосимовнинг сўнгги бор суратга олган «Сержантлар» фильми юртимизда миллий армиямизни кучли, ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида эзгу ишлар амалга оширилаётган бир пайтда намойиш этилгани айни муддао бўлди. Фильм давомига келсак, режиссёри ким бўлишидан қатъи назар, бу эзгу иш албатта, охирига етиши керак, деб ўйлайман.

Шу ўринда дилимдаги яна бир гапни айтсам: менимча кейинги пайтда яратилган айрим саёз фильмлар томошабинларнинг вақтини бекорга ўғирлаяпти. Тасаввур қилинг, бир соат давом этадиган фильм ёки сериални экранда чиқарганимизда бир миллион томошабин кўрса, шу дақиқаларда одамларнинг қанча вақтини ўғирлаган бўламиз. Бундан ташқари, уларнинг эстетик дидига ҳам путур етади. Кейин улар юксак асарларнинг қадрига етмай қўйишади.

Президентимиз Ислом Каримов яқинда Бухоро санъат саройида бўлганларида, кино, театрда қаҳрамонни қандай танлаш, қай тарзда ифода этиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди. Ана шу дастур келгусида ижодий ишларимизга кўмак бўлса, кино соҳасининг равнақи йўлида ижобий натижаларга эришган бўлардик.

*Аслида Ватан туйғуси ҳар биримизнинг қонимизда бор. Фақат уни тарбиялаш ҳар жиҳатдан ўз кучимиз, ирадамиз, билимимиз ва шижоатимизга боғлиқ. Тарихга бир назар ташласак, Тўмарису Широқдан Муқаннаю Шайх Нажмиддин Куброгача... яна не-не зотлар Ватан тупроғини муқаддас билганлар. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳазратларининг азму шижоатига, буюк ишларига неча асарлардан буён жаҳон ҳайрат кўзи билан қарайди. Таниқли ижодкорлар томонидан яратилган «Сержантлар» фильми ана шундай аждодларимиз кўрсатган буюк жасоратларни бугун ҳам амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб берди. Бу имкониятдан оқилона фойдаланган ёшлар келгусида улуғ ота-боболаримизга муносиб ворис, эзгу ишларининг давомчилари бўлиб етишишига ишонамиз.*

**Адиба УМИРОВА**

СПОРТ

## ҲАМЮРТИМИЗ ҒОЛИБ



Белорусь пойтахти Минск шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Россия, Украина, Литва, Польша, Швеция, Норвегия, Исроил каби давлатлардан келган кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Эркаклар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида муваффақиятли қатнашган ҳамюртимиз Антон Фокин 88,200 балл жамғариб, асосий рақиблари белоруслик Дмитрий Савицкий ҳамда исроиллик Александр Шатиловни ортда қолдирди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Моҳир гимнастикачимиз халқаро турнир давомида брусда машқ бажариш бўйича энг юқори балл тўплагани боис олтин, халқада бажарилган машқда эса иккинчи натижа билан кумуш медални қўлга киритди.

## ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ

Тошкент шаҳрида жисмоний имконияти чекланган ва ногирон болалар ўртасида VII Паралимпия ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган республика ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи спорт мажмуаларида ўтказилган саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган ўғил-қизлар эстафета ва мини-футбол



бўйича ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада Тошкент шаҳридаги 2-Мурувват уйи тарбияланувчилари ғолибликни қўлга киритишди. Пойтахтимиздаги 1-Мурувват уйи ва Қўрғонтепа мурувват уйи тарбияланувчилари иккинчи, Фарғона мурувват уйи тарбияланувчилари учинчи ўринни эгаллашди.

## КУБОК МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кубоги учун Тахиатош шаҳрида стол тенниси бўйича мусобақа ўтказилди.

Уч кун давом этган қизиқарли спорт байрамида Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманларидан келган 16 жамоа таркибида 100 нафарга яқин ўсмирлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Финалда Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, Беруний, Амударё ва Тахтакўпир туманлари спортчилари кескин баҳс олиб боришди.

Нукуслик ёш теннисчилар ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасини эгаллаган бўлсалар, Амударё тумани ва тахиатошлик ёш спортчиларга кейинги ўринлар насиб қилди.

## ТРИБУНА ҚУЛАБ ТУШДИ

Бразилиянинг Парана штатида ўтказилаётган автопойга вақтида томошабинлар ўтирган айвон (трибуна) қулаб тушди. Натижада у ерга мусобақани кузатиш учун келган 200 мингга яқин мухлиснинг ярми жароҳат олди. Жабр кўрганларнинг олти нафари шошилинч равишда шифохонага етказилди. Улардан икки нафарининг аҳволи ҳамон оғир.

Ҳозирда полиция суриштирув ишларини олиб бормоқда.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади**

## *Ота насиҳати*

Бир донишманд ўғлига шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, халқнинг ўзингга хайрихоҳ бўлишини хоҳласанг, аввал ўзинг халққа хайрихоҳ бўл. Ўз меҳнатинг бекорга кетишини тиламасанг, халқ меҳнатини бекорга кетказма, зое қилма. Обрўли бўлишни истасанг, тавозели бўл. Одамлар сени масхара қилиб кулишларини истамасанг, юриш-туришингни тузат. Қадр-қимматим ошсин десанг, бошқаларнинг қадр-қимматларини бил. Ҳамманинг ўзингга дўст бўлишини истасанг, одамларга қўлинг ва тилинг билан озор берма. Иззат-ҳурмат эгаси бўлишни хоҳласанг, мумкин қадар молингни муҳтожлардан аяма. Мукаммал бир инсон бўлишни орзу қилсанг, ўзингга мақбул бўлмаган бир ишни бошқаларга раво кўрма. Дилинг оғриб, асабийлашишни тиламасанг, жоҳил, аблаҳ кишилар билан сўзга боришиб ўтирма. Беғам бўлишни истасанг, ҳасадчи бўлма. Қайғу-аламдан узоқ бўлишни истасанг, қўлингдан чиққан нарсага афсус-надомат қилиб юрма. Дўст-ошноларнинг кўпайишини хоҳласанг, очиқ юзли, ширин сўзли бўл, ҳеч кимга гина ва адоват сақлама. Сиринг ошкор бўлишини хоҳламасанг, дўстингга ҳам айтма.

*«Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобидан.*

БИЛАСИЗМИ?

### ШАХМАТ ОЛАМИДА

Биринчи шахмат луғати 1825 йилда Барселонада босиб чиқарилган. У Хуан Де Ля Торре томонидан тузилган бўлиб, "Шахмат маълумотномаси ва атамалар луғати" деб номланган. Унда шахмат ўйини қоидалари ва унга оид атамалар изоҳи, тахтанинг тўла ва айрим катакчалари тасвири келтирилган. Масалан, асп (от)нинг бир катакчадан иккинчисига сакраб ўтиши луғатда кўрсатилган.

### УЧ АСРНИ КЎРГАН

Дунёда шахматчилар орасида энг узоқ умр кўрган инсон Жейн Кэрью ҳисобланади. У уч аср юзини кўрган, яъни 1779 йилда туғилиб, 1901 йилда оламдан ўтган. Бу ҳам ўзига хос шахматчилар орасидаги рекорддир.

### БИТМАС-ТУГАНМАС ЖУМБОҚ

Аргентинанинг ҳозирги замон ёзувчиси Хорхе Луис Борхес шахмат ўйинини бир-бирига ўхшамаган миллионлаб чексиз, битмас-туганмас жумбоқли кутубхонага ўхшатади.

### ИЛҲОМ МАНБАИ

Француз рассоми Альдеркес Пиктор 1470 йилда Таби монастири деворларини безатаётиб, ажал билан шахмат ўйнаётган киши тасвирланган расмни яратади. Швед кинорежиссёри Ингмар Бергманнинг айтишича, айни шу расм уни "Еттинчи муҳр" фильмида рицарнинг ўлим билан шахмат ўйнаётган пайтини акс эттиришга ундаган.

### ҲАҚГЎЙ ҚИРОЛ

Бирманинг қўҳна қайдномасида ёзилишича, 1247 йилда тахтга ўтирган қирол Нерат рафиқаси билан ҳар куни шахмат ўйнар ва кетма-кет уч бор мот бўлганидан сўнг аслида у эмас, балки хотини тож соҳиби бўлиши кераклигини таъкидлар экан.

**Анвар ИНОҚОВ**



1-диаграмма.
**Оқлар бошлаб ютади**



2-диаграмма.
**Оқлар бошлаб ғалабага эришади**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

*Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.*

**Телефонлар:** 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
**Реклама ва маркетинг бўлими:** 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.35

Ⓡ — тижорат белгиси.

Адади: 9057 Буюртма — Г-826 1 2 3 4 5